**ШАРТНОМА № 55/198** –374-3703/2022

(қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизмат кўрсатиш тўғрисида)

**«05» январь 2022 йил** **Бухоро шахар**

26.01.2022г.

"Махсусавтохўжалик СТК" МЧЖ (кейинги ўринларда «Ижрочи» деб номланувчи) номидан Низом асосида иш юритувчи раҳбари М.Д. Халимова шахсида, бир томондан "Ўзметкомбинат" АЖ (кейинги ўриларда буюртмачи) 2021 йил 22 декабр куни берилган 01-1/2827 – сонли ишончномага асосан иш юритувчи Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари – Ижрочи директор Д.Т.Ахмедов шахсида иккинчи томондан биргаликда "томонлар деб аталади, мазкур шартномани (кейинги ўриларда – шартнома) қуйидагилар ҳакида туздик.

**1. Шартнома мазмуни.**

1.1. «Ижрочи» ўзининг махсус автотранспорти оркали «Буюртмачи»нинг манзилидаги чиқинди тўплаш пунктларидан ёки қўнғирок усулида (қаттиқ маиший чиқиндилар)ни олиб чиқиб кетиш ишларини бажаришни ўз зиммасига олади.

1.2. .Қаттиқ маиший чиқиндиларни (ҚМЧ) олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатиладиган хизматларнинг сифати санитария, экологик ва қонунчиликда белгиланган бошқа мажбурий талабларга, шунингдек мазкур шартнома талабларига жавоб бериши лозим.

1.3. Олиб чиқиб кетилаётган ҚМЧлар хажми тасдиқланган меъёрлар (кейинги ўринларда тўпланиш меъёрлари деб аталади) бўйича аниқланади.

1.4. ҚМЧларни олиб чиқиб кетишнинг даврийлиги аҳоли яшаш пунктлари, шаҳарнинг санитария ҳолати таъминланишини ва касаллик пайдо қилувчи бактериялар ривожланишининг олдини олиш шароитларини ҳисобга олган ҳолда, жойлардаги иқлим шароитлардан келиб чиқиб, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланади.

1.5. .Мазкур Шартнома радиоактив чиқиндилар, биологик чиқиндилар, даволаш-профилактика муассасалари чиқиндилари, зарарли моддаларни атроф муҳит (атмосфера)га чиқариб ташлаш ва зарарли моддаларни сув объектларига оқизиб юбориш билан боғлиқ бўлган ишлар соҳасидаги қонун билан тартибга келтириладиган муносабатларга татбиқ этилмайди.

1.6. «Ижрочи» «Буюртмачи»нинг буюртмасига асосан йирик ва габаритли чиқиндилар (мебель, совутгичлар, велосипедлар, газ плиталари, болалар аравалари)ни, корамол гўнгини, қурилиш чиқиндиларини, тупроқни, агротехника ишлари натижасида пайдо бўладиган чиқиндилари (новдалар, дарахт таналари, тўнкалар ва шох-бутоқлар)ни буюртманома ва алоҳида тўлов бўйича олиб чиқиб кетиш хизматларини кўрсатиши мумкин.

**2. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби.**

2.1 Ушбу шартномани имзолаш пайтида амалдаги нарх хар бир **1 метр куб ҚМЧ** учун ҚҚС(15%) билан **60585.45 сўм** .

2.2 Шартнома бўйича бир йиллик тўлов суммаси ҚҚС(15%) билан 9 840 000 (Тўққиз миллион саккиз юз кирк минг) сўмни, бир ойда 820 000 (Саккиз юз йигирма минг) сўмни ташкил этади.

2.3 «Буюртмачи» томонидан хизматлар ҳақи хар бир ой давомида 100% олдиндан тўлов тўлаш тартибида амалга оширилади.

2.4 Шартномада белгиланган хар бир метр куб ҚМЧ учун тариф нархи ва меъёрлар ўзгарган тақдирда «Буюртмачи»га маҳаллий телеканаллар ва матбуот орқали маълумот беради ва янги тариф нархи ва меъёрлар бўйича ҳисоб-китоб қилинади.

2.5 Агарда кўрсатилган хизматлар ҳажми шартномада кўзда тутилган суммадан ошган тақдирда, «Ижрочи» томонидан ортиқча кўрсатилган хизматлар ҳақи юк хати асосида тасдиқланган тақдирда, "Буюртмачи" томонидан тўланиши шарт.

**3.«Буюртмачи»нинг мажбуриятлари.**

3.1.Шартнома асосида, ўзига зарур бўлган, белгиланган сифатдаги, фукароларнинг ҳаёти ва саломатлиги учун хавфсиз бўлган, мулкига зарар бермайдиган ҳажмдаги хизматлардан фойдаланиш.

3.2. Чиқинди тўплаш пунктлари жойлашган майдончалар ва чиқинди тўплаш пунктларига автомашиналарнинг эркин яқинлашишини ва чиқинди қутиларини доимо соз ҳолда сақлашни таъминлаш.

3.3 ҚМЧни ўз вақтида ташиб чиқиб кетилишини доимий назорат қилиш, тасдиқланган йўналиш жадвали бузилган ҳолларда 65 228-10-28 телефонига телефонограмма йўллаш орқали "Ижрочи"га маълумот бериш.

3.4 Бажарилган ишнинг ҳажми бўйича "Ижрочи" томонидан тақдим қилинган ҳисоб-варақ фактурани тасдиқлаб бериш ва тўловларни тўлаш ҳамда хукуматнинг қарори билан тасдиқланган "Чиқиндиларни чиқариш қоидалари" талабларига риоя қилиш.

3.5 "Буюртмачига" тегишли чиқинди тўплагич мавжуд бўлган тақдирда, тўпланган ҚМЧлар тўғрисида "Ижрочи" нинг (65) 228-10-28 телефони ехуд ёзма буюртма бериш.

3.6 "Буюртмачига" тегишли чиқинди тўплагич мавжуд бўлмаган тақдирда, шаҳар ҳокими томонидан тасдиқланган жадвал асосида ҳафтада икки марта тўпланган чиқиндилар белгиланган жойга чиқариб қўйиш.

3.7 Кўп қаватли уйлар атрофида жойлашган "Буюртмачи" лар (ЯТТ, юридик ташкилотлар ва бошқалар) ҚМЧ тўпланадиган чиқинди тўплагичларга ҚМЧларини жойлаштириш.

3.8 Шартномаларда кўзда тутилган шартлар ва муддатларга мувофиқ ҚМЧларни олиб чиқиб кетиш хизматларидан фойдаланиш.

3.9 . "Ижрочи"дан ҚМЧларни олиб чиқиб кетиш хизматларининг ҳажми ва сифати, уларнинг кўрсатилиши шартлари, хизматлар учун тўлов миқдорларининг ўзгаргани ва тўлов тартиби тўғрисидаги ахборотларни олиш.

3.10."Ижрочи" шартнома мажбуриятларига риоя қилмаганлиги учун «Буюртмачи» "Ижрочига" нисбатан қонунчиликда ёки шартномада белгиланган пеня тўланишини талаб қилишга ҳақли.

### 4 “Ижрочи”нинг мажбуриятлари.

4.1.Буюртмачи» ҳудудидан ҚМЧ ташланадиган чиқинди тўплаш пунктларидан (ширкат яшиги ёки қўнғироқ усулида) махсус автомашиналарда жадвал асосида чиқиндиларни олиб чиқиб кетилишини таъминлаш.

4.2 Бажарилган иш тўғрисида ҳисоб-варақлар электрон тарзда расмийлаштириб юбориш.

4.3 «Буюртмачи» томонидан берилган буюртма келиб тушган пайтдан 3 кун муддат ичида ҳудудидан ҚМЧларни олиб чиқиб кетиш.

4.4 .Қонунчиликда ва мазкур шартномада белгиланган шартларга мувофик «Буюртмачи»га зарур сифатдаги ҚМЧларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш.

4.5 .Қонунчиликда ёки мазкур шартномада белгиланган муддатларда «Буюртмачи»нинг буюртманомаларини бажариш.

4.6 .ҚМЧларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун электрон тўлов тизимини татбиқ этиш ва реал вақт режимида шахсий ҳисоб варақаларининг ҳолатини кузатиб бориш.

4.7 .ҚМЧларни олиб чиқиб кетиш хизматларининг амалга ошириладиган режими ва сифати бўйича «Буюртмачи»нинг мурожаатлари (аризалари, таклифлари, шикоятлари), шунингдек уларнинг ижроси ҳисобини олиб бориш.

4.8 Чиқинди тўплаш шохобчалари ва контейнерларининг ҳолатини назорат қилиб бориш, уларнинг тегишли ҳолатда бўлишини таъминлаш.

4.9 ҚМЧиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш тартиби ва тарифларининг ўзгаргани тўғрисида ушбу тарифлар қонуний кучга киришидан 15 кун аввал «Буюртмачи»нинг абонентлик пунктларида эълонлар осиш йўли билан, шунингдек оммавий ахборот воситалари орқали маълум қилиш.

### 5 Томонларнинг жавобгарлиги.

5.2 “Ижрочи” белгиланган муддатда ҚМЧ олиб чиқиб кетмаганлиги учун икки томон вакиллари томонидан имзоланган далолатнома асосида ҳар бир кечиктирилган кун учун олиб чиқиб кетмаган ҚМЧ ҳажми қийматидан 0,4 % миқдорида, «Буюртмачи»га пеня тўлайди.

5.3 «Буюртмачи» шартномада кўрсатилган хизматлар учун тўлов ҳақини ўз муддатида тўламаганлиги учун ижрочига кечиктирилган хар бир кун учун ҚМЧ ҳажми қийматидан 0,4 % миқдорида пеня тўлайди.

5.4 Жарима ва пеня тўлаш томонларни шартнома шартларини бажаришдан озод этмайди.

### 6 Низоларни ҳал қилиш тартиби.

6.2 Шартномани бажариш пайтида юзага келган муаммолар томонларнинг ўзаро музокаралари орқали ҳал қилиниши мумкин бўлмаган ҳолларда иқтисодий суди томонидан ҳал қилинади.

6.3 Томонларнинг манзили, корхона номи, ҳисоб рақами ўзгарган тақдирда ҳамда ҚМЧ ҳажми ўзгаришига таъсир этувчи омиллар пайдо бўлганда бир томон иккинчи томонга 10 кун ичида ёзма маълумот беради.

### 7 Форс-мажор.

7.2 Форс-мажор ҳолати содир бўлганда томонлар шартномада кўрсатилган мажбуриятлардан озод этиладилар (корхонанинг тугатилиши, раҳбар ёки жавобгар шахс ўзгариши, молиявий қийинчиликлар кабилар форс-мажор ҳолатига кирмайди).

7.3 «Буюртмачи» ҳудудидан чиқиндиларни олиб чиқиб кетишда шартномада белгиланган тартиблардан ташқари, масалан чиқиндиларнинг таркиби (қурилиш таъмирлаш чиқиндилар, йирик ўлчамли ва мол чиқиндилари ҳамда шох-шабалар) учун алоҳида ёки қўшимча шартномавий муносабатга киришилади.

7.4 **“Ижрочи”** ўз вақтида ҚМЧларни олиб чиқиб кетишига тўсқинлик қиладиган ҳолатларда, (Фавқулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар, зилзила, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар ёки “Ижрочи”нинг ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар давлат томонидан ёнилғи ўз вақтида етказиб берилмаганлиги) жавобгарликка сабаб бўлмайди.

### 8 Шартноманинг муддати.

8.1 Шартнома тарафлар томонидан имзолланган кундан бошлаб кучга киради ва 31.12.2022 йилгача амал қилади.

8.2 Шартнома тузиш вақтида амалда бўлган ва шартнома суммасини ҳисоблаш учун асос бўлган маълумотлар ҳолатлар ўзгарган тақдирда, «Ижрочи» шартнома суммасини бир томонлама ўзгартириш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолда шартнома суммаси ўзгарганлигини билдирувчи хатни «Буюртмачи»га ёзма хат орқали жўнатилган куни шартнома бир томонлама ўзгартирилган хисобланади.

8.3 Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, бир нусхаси «Буюртмачи» да, иккинчи нусхаси “Ижрочи”да сақланади.

### 9. Тарафларнинг юридик манзиллари ва тўлов реквизитлари:

**«Ижрочи»**

“Махсусавтохўжалик СТК” МЧЖ
Манзил: Бухоро шаҳар Абай 64
Тел./факс _65 228-10-28
Х/р 20208000005480576001
«Ипотека Банк» Сардор филиал Бухоро шаҳри
МФО 00119, ИНН 309206788.
ОКЭД 38110
Раҳбар: ____________ М.Д.Халимова
(Ф.И.Ш)
М.У.

**«Буюртмачи»**

«____________________»
Манзил: ____________________
____________________
х/р ____________________
____________________ банк
МФО ________ ИНН ________
ОКЭД ____________________
Раҳбар: ____________ Ахмедов D.T.
(Ф.И.Ш)
М.У.

9388614

| ВИЗОВЫЙ КОНТРОЛЬ | |
|---|---|
| Нач. структурного подразделения | |
| Нач. отдела комплаенс-контроля | |
| Нач. управления экономики | |
| Главный бухгалтер | |
| Юридический департамент | |

**ПРОТОКОЛ-ЗАКЛЮЧЕНИЕ №** 1 от 05.01.2022 г.
комиссии по заключению прямого договора на поставку товаров (работ, услуг).

**Состав комиссии**: – председатель закупочной комиссии – Первый заместитель председателя правления – директор по развитию Мадияров С.Г., заместитель председателя закупочной комиссии: директор департамента по обеспечению производства и реализации продукции Махмудов Ф.Т., первый заместитель финансового директора – главный экономист Турабаев А.И., директор департамента корпоративной безопасности и защиты ресурсов Хожиев Т.Т., начальник филиала «Бухара ИҚМ» Фазилов С.Х.

**Повестка дня**: рассмотрение вопроса заключения договора на вывоза твердых и жидких отходов Бухарского участка филиала «Бухара ИҚМ».

**Цель заключения договора:** рассмотрение вопроса заключения договора на вывоза твердых и жидких отходов Бухара ИҚМ» для своевременной утилизации образующихся отходов на данном участке в течение 2022 года.

В соответствии с п.1 Постановления Президента Республики Узбекистан от 27.09.2018 г. №ПП-3953 «О мерах по реализации Закона Республики Узбекистан «О государственных закупках»» определено, что действие Закона Республики Узбекистан «О государственных закупках» не распространяется на государственные закупки товаров (работ, услуг), на которые установлены фиксированные цены в соответствии с законодательством.

Вместе с этим, согласно п.15 приложения №2 Постановления Кабинета Министров от 30.03.2018 г. №249 цены (тарифы) на услуги по вывозу твердых и жидких бытовых отходов входят в перечень социально значимых и стратегических видов товаров (услуг), цены (тарифы) которых подлежат государственному регулированию которые подлежат государственному регулированию.

В связи с чем, филиалом «Бухара ИҚМ» был представлен договор для заключения от «Махсусавтохужалик» МЧЖ на вывоз твёрдых и жидких отходов на сумму 9 840 000 (девять миллионов восемьсот сорок тысячи) сум с НДС.

Изучив представленные документы закупочная комиссия приняла решение заключить прямой договор на вывоз твердых и жидких отходов с 9 840 000 (девять миллионов восемьсот сорок тысячи) сум с НДС.

| | | |
|---|---|---|
| Председатель закупочной комиссии: | ____________ (подпись) | Мадияров С.Г. |
| Зам. председателя закупочной комиссии: | ____________ (подпись) | Махмудов Ф.Т. |
| Члены комиссии: | ____________ (подпись) | Турабаев А.И. |
| Члены комиссии: | ____________ (подпись) | Хожиев Т.Т. |
| Члены комиссии: | ____________ (подпись) | Фазилов С.Х. |

## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

FAMILIYASI
XALIMOVA

ISMI
MUMINA

OTASINING ISMI
DJUMAYEVNA

TUG'ILGAN SANASI
05 08 1973

TUG'ILGAN JOYI
BUXORO SHAHRI

MILLATI
O'ZBEK

KIM TOMONIDAN BERILGAN
BUXORO VILOYATI BUXORO SHAHAR IIB

JINSI
AYOL

SHAXSIY IMZO / HOLDER'S SIGNATURE

## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI / REPUBLIC OF UZBEKISTAN

PASPORT PASSPORT

| TURI / TYPE | DAVLAT KODI / COUNTRY CODE | PASPORT RAQAMI / PASSPORT № |
|---|---|---|
| P | UZB | AB2736198 |



FAMILIYASI / SURNAME
KHALIMOVA

ISMI / GIVEN NAMES
MUMINA

FUQAROLIGI / NATIONALITY
UZBEKISTAN

TUG'ILGAN SANASI / DATE OF BIRTH
05 08 1973

JINSI / SEX
F

TUG'ILGAN JOYI / PLACE OF BIRTH
BUKHARA REGION

BERILGAN SANASI / DATE OF ISSUE
24 01 2016

AMAL QILISH MUDDATI / DATE OF EXPIRY
23 01 2026

PERSONALLASHTIRISH ORGANI / AUTHORITY
STATE PERSONALIZATION CENTRE

UZB

P<UZBKHALIMOVA<<MUMINA<<<<<<<<<<<<<<<<<<<<<

AB27361981UZB7308059F2601238405087309900l466

10 YASHASH JOYI / ADDRESS

Buxoro viloyati Buxoro tuman IIB
RO'YXATGA QO'YILGAN
ko'cha
uy № xona
"26" 20 y
Imzo

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI
08-10

10

VIZALAR / VISAS 11

11

4687829

# Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"MAXSUS AVTOXO'JALIK STK" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"MAXSUS AVTOXO'JALIK STK" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

18.01.2022 1085945 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 309206788

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Buxoro viloyati, Buxoro shahri, ул. Абай, дом 64,

Guvohnoma: Buxoro viloyati, Buxoro shahri, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

**Маиший чиқиндиларни тўплаш**
**ва олиб чиқиб кетиш хизматларини кўрсатиш учун**
**давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим № 1**

2019 йил 03 январ                                                  Бухоро шаҳри

Бухоро вилоят ҳокимлиги номидан низом асосида фаолият юритувчи, вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ф.Умаров бундан буён матнда **"Давлат шериги"** деб аталувчи, бир томондан ва "Махсусавтохўжалик" МЧЖ номидан Устави асосида фаолият юритувчи жамият директори С.Кенжаев бундан буён матнда **"Хусусий шерик"** деб аталувчи, иккинчи томондан, биргаликда **"Томонлар"** деб аталувчилар,ушбу давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимини (кейинги ўринларда Битим деб аталади) қуйидагилар тўғрисида туздилар:

**1. Битим мавзуси**

1.1. Қуйидагилар Битим мавзуси ҳисобланади:

а) давлат-хусусий шериклик асосида маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизмат кўрсатиш ишларини қуйидагилар орқали ташкиллаштириш:

Хусусий шерик томонидан маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизмат кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш учун Давлат шериги мулкидан (кейинги ўринларда давлат мулки деб аталади) вақтинча, бегараз фойдаланиш;

Хусусий шерик томонидан қаттиқ маиший чиқиндиларни (кейинги ўринларда ҚМЧ деб аталади) тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизмат кўрсатиш соҳасидаги инфратузилмани ривожлантириш;

б) Хусусий шерик томонидан ўзига бириктирилган ҳудудда қонунчиликда ва ушбу Битимда белгиланган тартибда маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш;

в) Давлат шериги томонидан Хусусий шерикнинг ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича жисмоний шахслар (аҳоли)га кўрсатган хизматларини марказлашган тартибда олдиндан тўланишини таъминлаш.

**2. Битим объекти**

2.1. Қуйидагилар Битим объекти ҳисобланади:

маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш учун Хусусий шерикка ушбу Битимга 1-иловага мувофиқ бириктирилаётган ҳудуд;

маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш мақсадлари учун Хусусий шерикка ушбу Битимга 2-иловага мувофиқ мазкур Битимнинг амал қилиш даврида вақтинча фойдаланишга топширилаётган давлат мулки.

**3. Кўрсатиладиган хизматлар учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби**

3.1 Хусусий шерикка бириктирилган ҳудудда ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича жисмоний шахслар (аҳоли)га кўрсатиладиган хизматлар қиймати бир ойга 785 900 000,00 (Етти юз саксон беш миллион тўққиз юз минг) сўмни ташкил қилади.

3.2. Хусусий шерик томонидан ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилган хизматлар ҳақини марказлашган тартибда олдиндан тўлаш жисмоний шахслар (аҳоли)дан ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун мажбурий тўловларнинг келиб тушишига кўра амалга оширилади ҳамда кейинчалик ой якунида ушбу Битимнинг 3-иловасига мувофиқ тузилган,бажарилган ишлар далолатномаси бўйича қайта ҳисоб-китоб қилинади.

3.3. ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун тарифлар миқдори ўзгарганда ушбу Битимга қўшимча келишув расмийлаштирилади.

## 4. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Давлат шериги қуйидагиларга мажбур:

Хусусий шерикка ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича жисмоний шахслар (аҳоли)га кўрсатилган хизматлар учун тўловларни хизмат кўрсатувчи ташкилотга марказлашган тартибда ва муддатларда амалга ошириш;

Хусусий шерикка методологик ёрдам бериш ва ушбу Битимни амалга оширилишида кўмаклашиш;

ушбу Битимнинг 2.1.-бандида назарда тутилган давлат мулкини мазкур Битимнинг амал қилиш муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, Хусусий шерикка вақтинча фойдаланиш (эксплуатация қилиш) учун топшириш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги ишлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2018 йил 2 октябрдаги 787-сонли қарори билан қаттиқ маиший чиқиндиларни махсус белгиланган жойдан олиб чиқиб кетиш ва сақлашга ихтисослашган ташкилотлар учун белгиланган вазифаларни лозим даражада бажарилишини таъминлаш;

Хусусий шерикнинг маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун тарифлар миқдорига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги (асосли ҳисоб-китобларни тақдим этган ҳолда) мурожаатларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқиш;

Хусусий шерикнинг бириктирилган ҳудудда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чиқинди тўплаш шохобчаларини қуриш учун участка танлаш бўйича таклифларини кўриб чиқиш;

бириктирилган ҳудудда маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматларни кўрсатиш фаолиятини амалга оширишида Хусусий шерикка тўсқинлик қилмаслик.

Хусусий шерикка фақатгина ҚМЧларни тўпланган жойдан олиб чиқиб кетишни белгилаш.

Йирик габаритли, қурилиш чиқиндилари, суюқ маиший чиқиндилар, чорвачилик, шунингдек, дарахт ва буталарни кесиш ҳамда агротехник ишлов беришдан ҳосил бўладиган чиқиндилар ва бошқа чиқиндиларни олиб чиқиш бўйича алоҳида шартнома тузишга кўмаклашиш;

Хусусий шерикка хизмат кўрсатадиган ҳудудда буюртмачи томонидан тақдим қилинган аҳоли рўйхатига (паспорти) асосан ҚМЧларни олиб чиқишни таъминлаш.

4.2. Давлат шериги қуйидаги ҳуқуқларга эга:

бириктирилган ҳудудда маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга оширишда Хусусий шерикка кўмаклашиш;

ушбу Битим бўйича мажбуриятларнинг Хусусий шерик томонидан бажарилишини мониторинг қилиш (шу жумладан, чиқинди ташиш машиналари ҳаракатини реал вақт режимида автоматлаштирилган кузатиш тизими (GPS)дан фойдаланган ҳолда);

Хусусий шерик томонидан ҚМЧларни олиб чиқиб кетиш жадвалига риоя этилишини талаб қилиш;

Хусусий шерикдан ҳар ойда бажарилган ишлар хизматлар далолатномаларини қабул қилиш;

Хусусий шерикдан ушбу Битим бўйича мажбуриятларнинг Хусусий шерик томонидан бажарилиши билан боғлиқ ҳужжатлар ва маълумотларни сўраш;

4.3. Хусусий шерик қуйидагиларга мажбур:

ушбу Битим имзоланган кундан бошлаб 5 иш куни мобайнида қонун ҳужжатларида ва мазкур Битимда белгиланган тартибда маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатишга киришиш;

давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш учун унга топширилган давлат мулкининг лозим даражада сақланишини ва белгиланган мақсадда фойдаланилишини таъминлаш, шунингдек уларни сақлаш билан боғлиқ харажатларни амалга ошириш;

санитария жиҳатидан тозалаш инфратузилмасини яхшилашни амалга ошириш, шу жумладан:

| Тадбир номи | Сони (та) | Бажариш муддатлари |
|---|---|---|
| Мавжуд чиқинди тўплаш шохобчаларини таъмирлаш | 20 | йил давомида |
| Мавжуд чиқинди тўплаш шохобчаларини реконструкция қилиш | 15 | йил давомида |
| Янги чиқинди тўплаш шохобчаларини қуриш | 40 | йил давомида |
| Чиқинди тўплаш шохобчаларини контейнерлар билан жиҳозлаш | 120 | йил давомида |
| | | |

ўзига бириктирилган ҳудудда ҚМЧларни олиб чиқиб кетиш жадвалига қатъий мувофиқ, мунтазам олиб чиқиб кетилишини амалга ошириш;

ҳар ойнинг охирги санасида Санитар тозалаш марказларига бажарилган ишлар хизматлар далолатномаларини бевосита топшириш, почта алоқаси ёки электрон шаклда, уларни олганлиги тўғрисидаги хабарнома юбориш орқали тақдим этиш;

Давлат шериги томонидан ўрнатилган, давлат мулкидан вақтинча фойдаланиш (эксплуатация қилиш) муддати ёки мазкур Битимнинг амал қилиш муддати тугаганидан, шунингдек, бекор қилинганидан сўнг 5 иш куни мобайнида давлат мулкини Давлат шеригига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда топшириш;

Хусусий шерикнинг Битим бўйича ҳуқуқий муносабатларидаги ҳуқуқий ҳолатига таъсир қиладиган барча ўзгаришлар (номи, рўйхатга олиш жойи, юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, банкротлик таомили очилганлиги) тўғрисида ўзгаришлар рўй берган кундан бошлаб 10 иш кундан кечикмай Давлат шеригига хабар бериш;

ушбу Битим бўйича Хусусий шерик томонидан мажбуриятлар бажарилишининг мониторингини олиб боришда Давлат шериги ёки Санитар тозалаш марказига тўсқинлик қилмаслик.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги ишлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2018 йил 2 октябрдаги 787-сонли қарори билан белгиланган вазифаларни лозим даражада амалга ошириш;

4.4. Хусусий шерик қуйидаги ҳуқуқларга эга:

бириктирилган ҳудудда чиқинди тўплаш шохобчаларини қуриш учун участка танлаш бўйича Давлат шеригига таклифлар киритиш;

қонун ҳужжатларида ва ушбу Битимда белгиланган тартибда, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган барча усулларда маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш;

маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун тарифлар миқдорига ўзгартиришлар киритиш учун асосли ҳисоб-китобларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун Давлат шеригига киритиш;

йирик габаритли, қурилиш чиқиндилари, суюқ маиший чиқиндилар, чорвачилик, шунингдек, дарахт ва буталарни кесиш ҳамда агротехник ишлов беришдан ҳосил бўладиган чиқиндилар ва бошқа чиқиндиларни қўшимча шартнома ва ҳақ эвазига олиб чиқиш;

аҳоли хонадонларида ҳосил бўладиган хавфли маиший чиқиндилар (тиббиёт чиқиндилари симобли лампа, термометр, барча турдаги акумиляция қилинадиган элементлар ва фойдаланиш хусусиятини йўқотган инсон ҳаёти, соғлиғи ва атроф табиий муҳитга хавф солувчи чиқиндилар) хусусий шерик томонидан олиб чиқармаслик;

Давлат шериги ёки Санитар тозалаш марказидан ушбу Битим бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши билан боғлиқ қўшимча маълумотлар ва материалларни сўраш.

## 5. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Ушбу Битим бўйича ўз зиммасига қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ёки лозим бўлмаган даражада бажарилганлиги учун Томонлар қонун ҳужжатлари ва мазкур Битимга мувофиқ жавоб берадилар.

## 6. Битимни ўзгартириш ва бекор қилиш

6.1. Ушбу Битимни ўзгартириш ва бекор қилиш Томонларнинг розилиги бўйича ёки форс-мажор ҳолати вужудга келганда амалга оширилади.

6.2. Ушбу Битимга барча ўзгартириш ва қўшимчалар қўшимча келишувлар тузиш орқали ёзма шаклда расмийлаштирилади.

6.3. Томонлар келишмаган тақдирда, ушбу Битимга барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёки бекор қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6.4. Томонлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Битимни бекор қилиш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

6.5. Қуйидаги ҳолларда Битимни бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўйилади:

Хусусий шерики фаолиятининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўхтатилиши ёки тўхтатиб қўйилиши;

ўз фаолиятини тўхтатиш нияти тўғрисида фаолиятнинг тўхтатилиши кутилаётган санадан уч ой олдин Давлат шеригини хабардор қилган ҳолда Хусусий шерикнинг ташаббуси билан.

6.6. Ушбу Битимни бекор қилиш ташаббуси билан чиққан Томон иккинчи томонга бевосита топшириш, почта алоқаси ёки электрон шаклда, уларни олганлиги тўғрисидаги хабарнома юбориш орқали ёзма билдиришнома юборади.

## 7. Низоларни ҳал қилиш тартиби

7.1. Ушбу Битим доирасида келиб чиқадиган низолар Томонларнинг ўзаро келишуви бўйича ҳал этилади.

7.2. Келишув билан ҳал этилмаган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд орқали ҳал этилади.

## 8. Битимнинг амал қилиш муддати

8.1. Ушбу Битим имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради ва 2024 йил " 3 " январ гача амал қилади.

## 9. Енгиб бўлмайдиган куч (фос-мажор) ҳолати

9.1.Томонлар ушбу Битим бўйича бирон-бир мажбуриятнинг бажарилмаслиги ёки лозим бўлмаган даражада бажарилганлиги учун, агар бундай мажбуриятларнинг бажарилмаслигини ёки лозим бўлмаган даражада бажарилганлигиниенгиб бўлмайдиган куч ҳолати келтириб чиқарган тақдирда, жавоб бермайдилар.

9.2. Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатларига Томонларнинг ушбу Битим бўйича мажбуриятларини бажаришига бевосита таъсир кўрсатган, мазкур шароитларда фавқулодда ва кутилмаган вазиятлар киради. Келтирилган рўйхат тўлиқ ҳисобланмайди. Бундай вазиятларга бозорда ишларни амалга ошириш учун зарур хизматлар ёки материаллар мавжуд эмаслиги ёки етишмаслигига таaллуқли ҳолатлар кирмайди.

9.3. Томон дарҳол (ёки бошланган санадан бошлаб уч календар кунидан кечикмай) форс-мажор ҳолатининг бошланиш санаси ва тавсифини аниқлаштирувчи ёзма равишда бевосита топшириш, почта алоқаси ёки электрон шаклда, уларни олганлиги тўғрисидаги хабарнома юбориш орқали хабар юборади.

9.4. Форс-мажор ҳолатлари вужудга келган тақдирда, Томонлар дарҳол юзага келган вазиятдан чиқиш йўлларини қидириш учун музокаралар олиб

борадилар ва бундай ҳолатларнинг оқибатларини камайтириш учун барча воситаларни қўллайдилар.

9.5. Ушбу Битим бўйича ишларнинг форс-мажор ҳолатлари туфайли тўлиқ ёки қисман тўхтатилишида, мазкур ишларни олиб бориш даври форс-мажорнинг амал қилиш муддатига узайтирилади ва форс-мажор тугаган вақтдан бошлаб давом эттирилади.

## 10. Якунловчи қоидалар

10.1. Ушбу Битим бир хил юридик кучга эга бўлган икки асл нусхада тузилди. Бир нусхаси Давлат шеригида, иккинчиси – Хусусий шерикда сақланади.

10.2. Ушбу Битим иловалари ва қўшимча келишувлар унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

## 11. Томонларнинг манзили ва реквизитлари

| «Давлат шериги» | «Хусусий шерик» |
| --- | --- |
| Бухоро вилоят ҳокимлиги | "Махсусавтохўжалик" МЧЖ |
| Жойлашган жойи: Бухоро шаҳри И.Муминов кўчаси 1-уй. | Жойлашган жойи: Бухоро шаҳри Абай кўчаси 64-уй. |
| Банк реквизитлари: 40142118006400179501001118003 | Банк реквизитлари: 20210000800405193001 |
| МФО: | МФО: 00129 |
| СТИР: | СТИР: 201289067 |
| ИФУТ: | ИФУТ: 87320 |
| Бухоро вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ф.Умаров | Жамият директори С.Кенжаев |
| | (имзо, муҳр) |

БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
200118, Бухоро ш., И.Муминов к-си, 1-уй
тел/факс: 8(365) 224-41-10; 223-83-35
СТИР: 201512628; СКОД: 04112
Бухоро вил. Молия бошқармаси
Ғазна х/в: 23402000300100001010
Марказий банк Тошкент ш. Бош бошқармаси ХККМ, МФО:00014 СТИР:201122919

Юрист: т.ш. Ш.Жубораков